Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 26 апрель, № 81 (5501) Пайшанба

Мамлакатимизда: Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Бухоро

Коллежда таҳсил олиб, ҳунар эгаллаган Моҳичеҳра Нутфуллаева “Ромитан акфа люкс” масъулияти чекланган жамияти жамоаси сафига қўшилган навбатдаги ишчи бўлди.

Тадбиркор ташаббуси

Ромитан туманида фаолият кўрсатаётган мазкур корхонада айни пайтда ўн беш киши меҳнат қилаяпти.

— Корхонамиз махсус кийим-кечаклар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган, — дейди тадбиркор Анвар Азимов. — Хом ашёни туманимиздаги “Имиджтекстиль” корхонасидан харид қилиб, ўндан зиёд турдаги харидоргир либослар тайёрлаяпмиз. Яқинда банкдан имтиёзли кредит олиб, акфа ромлар ишлаб чиқариш дастгоҳини ўрнатмоқчимиз. Бу эса яна беш нафар коллеж битирувчисини иш билан таъминлаш имконини беради.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Наманган

Тўрақўрғон шаҳрилик Асқар Асқаров ўз оилавий бизнеси учун шиша маҳсулотлари ишлаб чиқаришни танлаб, янглишмаган экан.

Биллур идишлар жилоси

Ҳозир у раҳбарлик қилаётган “Тўрақўрғон биллури” масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган кўза, қанддон, гулдон, мевалар учун мўлжалланган шиша идишлар, ҳақиқатан ҳам, биллурдай товланиб, харидорлар эътиборини ўзига жалб қилмоқда. Шу боис мазкур рўзғор буюмларига буюртмачилар бисёр.

— Жорий йилда қувватларни икки баравар оширишни мўлжаллаяпмиз, — дейди тадбиркор. — Айни пайтда янги бино бунёд этяапмиз. Тез орада фаолиятимиз кенгайиб, яна қўшимча 20 та иш ўрни яратамиз.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сурхондарё

“Шўрчидонмаҳсулотлари” акциядорлик жамияти жамоаси 15 гектарлик қаровсиз майдон ўрнида мевали боғ барпо этиб, касаначилик асосида 15 кишини ишга жалб қилди.

Йигирманчи тармоқ

Боғдорчилик мазкур йирик корхонанинг йигирманчи ёрдамчи тармоғидир. Донни қайта ишлаш, тикувчилик, маиший ва сервис хизматлари кўрсатиш, чорвачилик йўналишларига ихтисослаштирилган ушбу жамиятда айни пайтда 50 киши кооперация шартномаларига асосан касаначилик фаолияти билан машғул. Уларнинг саъй-ҳаракати билан ўтган йили 200 миллион сўмликдан зиёд маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди.

Айтиш жоизки, жорий йилда вилоятдаги 383 та саноат корхонасида 2150 та касаначилик иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

О. УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хоразм

Боғот туманида фаолият бошлаган “Эко Фаррух” масъулияти чекланган жамияти жамоасига дастлабки 310 миллион сўмлик буюртма келиб тушди.

310 миллион сўмлик буюртма

Тадбиркор Фаррухбек Тоҳир ташаббуси билан ташкил этилган ушбу корхонада пластик профилдан эшик ва дераза ромлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун 100 миллион сўм сарфланди. Айни пайтда жамоа, асосан, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосидаги тураржойлар қурилишига ўз маҳсулотларини етказиб бераяпти.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Фармонни ўқиб

Бугунги кунда жаҳонда давом этаётган глобаллашув жараёни, ривожланиш даражасидан қатъи назар, дунёдаги барча мамлакатларга ўз таъсирини кўрсатмоқда. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз эса ушбу рақобат курашини янада кескинлаштираётир.

Иқтисодий тараққиётимизнинг муҳим омили

Маълумки, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва изчил ўсишига эришишнинг асосий омили унинг рақобатбардошлигини оширишдан иборат. Фақат шу йўлгина мамлакатнинг Ер юзидаги ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашини таъминлай олади. Юртбошимиз 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида бу борада алоҳида тўхталиб, жумладан, шундай деган эди: “Биринчи даражали эътибор мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш бўйича дастур тайёрлаш ва уни амалга оширишга қаратилиши зарур. Бу мақсаднинг долзарблиги ва аҳамияти, аввало, шу билан белгиланадики, биз ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётимизни ривожланган демократик давлатлар даражасига олиб чиқишни ҳозирги босқичдаги бош стратегик вазифа сифатида ўз олдимизга қўйганмиз”.

Дарҳақиқат, иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишда асосий эътибор мамлакат ҳудудларининг табиий ресурслари ҳамда индустриал салоҳиятидан фойдаланиш самарасини юксалтиришга ва пировард натижада экспорт тизимини кучайтиришга қаратилмоғи лозим. Айнан шу йўналишда жаҳон тажрибасида кенг қўлланилаётган ва ўз самарасини бераётган бир қатор воситалар мавжуд.

Пул-кредит ва солиқ сиёсатида имтиёзларни жорий қилиш, давлатнинг индустриал сиёсатига мос равишда сармоя киритаётган инвесторларга маълум бир имтиёзлар “пакети”ни тақдим этиш ва улар учун зарур бўладиган барча инфратузилмавий шароит ҳамда қулайликларни яратиш ана шундай воситалар сирасига киради. Уларнинг барчаси “Эркин иқтисодий зоналар” (ЭИЗ) деб аталувчи маъмурий-иқтисодий тузилмаларда мужассам.

Эркин иқтисодий зона (ЭИЗ) дегани нима ўзи? Ҳозирги кунда кўплаб олимлар томонидан берилган таърифлардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, у мамлакат ичида давлат томонидан маълум бир иқтисодий ёки иқтисодий-ижтимоий мақсадларга эришишни кўзлаб ташкил этилган, махсус иқтисодий ва маъмурий тартибга эга алоҳида ҳудуд бўлиб, унда фаолият юритаётган субъектлар учун мамлакатнинг қолган қисмидагига нисбатан имтиёзли тартиб ва имкониятлар тақдим этилади.

ЭИЗлар жаҳон иқтисодиёти учун янгилик эмас. Дастлабки ҳудудий ЭИЗ сифатида 1547 йилда “Эркин савдо шаҳри” деб эълон қилинган Италиянинг Ливорно шаҳрини мисол қилиб келтириш мумкин. Шу билан бирга, ушбу иқтисодий-маъмурий тузилма доимо ривожланиб, мукаммаллашиб борувчи жабҳа ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).

Ғурур ва ифтихоримиз тимсоли

Истиқлол йилларида ҳаётимизда рўй берган янгиланишларни ҳеч иккиланмасдан мангуликка дахлдор улуғворлик дея таърифлаш мумкин.

26 апрель — “Амир Темур” ордени таъсис этилган кун

Юртбошимиз раҳнамолигида мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ тарихимизни, буюк аждодларимизнинг бой меросини ўрганишга, номларини абадийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шундай эзгу ишлар шарофати билан бугун улар миллатимизнинг, халқимизнинг ғурур ва ифтихор рамзига айланди.

Хусусан, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Амир Темур даҳосига бўлган эъзоз ва эҳтиром юксак поғонага кўтарилди, 1996 йилда Соҳибқиронинг 660 йиллик тантаналари нишонланиши муносабати билан Тошкент, Самарқанд ва Қашқадарёда ул зотга ҳайкал ўрнатилди. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги Қонунига биноан, “Амир Темур” орденининг таъсис этилиши бу борада яна бир муҳим қадам бўлди.

Ушбу орден билан давлатчилигимизни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари, ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга, давлатлараро ҳамкорликни, тинчликни, меъморчиликни, илм-фан, адабиёт ва санъатни, шунингдек, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга алоҳида ҳисса қўшган юртдошларимиз ва мамлакатимиз фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланади.

Фуқаролар билан бир қаторда, айрим ҳолларда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ижодий жамоалар ва ҳарбий бўлинмалар, мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бирликлари ҳам ушбу орден билан мукофотланиши мумкин.

1996 йил 28 августда бобокалонимизнинг 660 йиллик юбилейи муносабати билан Президентимиз Фармонига биноан, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари “Амир Темур” ордени билан мукофотланди.

(Давоми 2-бетда).

Малакали мутахассислар – юксалиш пойдевори

Бахтиёр дарсга тайёргарлик кўрадиган хонадаги кенг столнинг бир қисмини турли автомобилларнинг чизмалари эгаллаган. Уларда японларнинг “Тойота”си, немисларнинг “Мерседес”и ва италияликларнинг “Фиат”идан тортиб яна бир қанча давлатларда ишлаб чиқариладиган автомобилларнинг кўриниши, ички салони, машинани ҳаракатга келтирадиган қисмлари акс этган.

Қарор ва ижро

— Ўзимизнинг автомобилларимиз, кўп жиҳатдан, улардан устун турса турадики, асло кам эмас, — дейди Андижон машинасозлик институтининг “Машинасозлик” факультети талабаси Бахтиёр Тўхтабоев “Нексия”, “Каптива”, “Эпика” чизмаларини қўлига олар экан. — Булардан ҳам чиройли, замонавий, тежамкор автомобиллар яратамиз, улар юртимизнинг юксалиши, тараққиётига хизмат қилади, албатта.

Бу сўзлар шунчаки қизиқиш, ҳар бир ёшнинг кўнглидан ўтадиган оддий ҳавас эмас. Аксинча, бу шу азиз юртда, озод ва обод Ватанда улғайиб, камол топаётган, ибрат бўларли юриштуриши, садоқати қатъий ишончи билан эртанги кунга дадил пешвоз чиқаётган йигитнинг қалб туғёни, ўзи танлаган касбга бўлган адоқсиз меҳри маҳсулидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори Бахтиёр каби юзлаб, минглаб ёшларнинг орзу-ҳаваслари, интилишлари, билим олишга бўлган қизиқишлари учун беқиёс имкониятлар эшигини очди.

(Давоми 4-бетда).

Биз ва жаҳон

Яқинда Хитой Халқ Республикасининг Сиан шаҳрида бўлиб ўтган 16-Савдо-сармоявий ҳамкорлик анжумани доирасида мамлакатимиз делегацияси Хитой ғарбий минтақаларининг 11-Халқаро иқтисодий кооперация ярмаркасида иштирок этди.

Хитойда Ўзбекистон тақдимоти

Мазкур йирик иқтисодий анжуман доирасида ташкил қилинган савдо-саноат палаталари ва уюшмаларининг халқаро конференциясида мамлакатимиз сармоявий, иқтисодий ва сайёҳлик салоҳиятининг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда Шеньси провинциясининг ижтимоий-сиёсий ва ишбилармон доиралари, Хитойда аккредитациядан ўтган дипломатия корпуси ва оммавий ахборот воситалари вакиллари Ўзбекистон — Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг замонавий ҳолати, шунингдек, мамлакатимизда яратилган қулай сармоявий муҳит тўғрисидаги маълумотлар билан атрофлича танишдилар.

Таъкидлаш жоизки, юқори технологиялар соҳасидаги ўзаро алоқалар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиззах вилоятида Хитой компаниялари иштирокида Юқори технологиялар саноат паркини яратиш лойиҳасини амалга ошириш борасидаги ҳамкорлик масаласи тақдимот иштирокчиларида алоҳида қизиқиш уйғотди.

Бунда Жиззах вилояти, унинг ялпи ҳудудий маҳсулоти таркиби, минерал-хом ашё базаси, энергетика салоҳияти, вилоятда юқори технологиялар саноат паркини яратиш концепцияси, ишлаб чиқаришнинг асосий йўналишлари, шунингдек, корхоналарга бериладиган солиқ имтиёзлари ва уларни қўлга киритиш шартлари ҳақидаги ахборотлар мулоқотларнинг асосий мавзуларидан бири бўлди.

Хитой ишбилармон доиралари вакиллари сўнгги йилларда Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий соҳада эришилган муваффақиятлар, барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари, иқтисодиёт тузилмасини тубдан ўзгартириш ва диверсификациялаш, қисқа муддатларда мамлакат учун янги

(Давоми 2-бетда).

«Солиқ билимлари – болаларга»

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан фуқаролар, хусусан, ёшларнинг солиқ борасидаги билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида кенг кўламли тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ёш авлоднинг юксак салоҳиятли бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этаётир.

Танлов

Жумладан, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган махсус ўқув режасига асосан, мактабларнинг 1 — 4-синф ўқувчилари учун “Иқтисодиёт ва солиқ алифбоси”, 5 — 7-синфлари учун “Иқтисодиёт ва солиқ сабоқлари”, 8 — 9-синфлари учун “Солиққа тортиш асослари”, шунингдек, олий ўқув юртлари талабалари учун “Солиқ ва солиққа тортиш” ўқув қўлланмаси яратилгани, коллежларда эса “Тадбиркорлик ва бизнес асослари” дарслигига “Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш тартиби” номли янги боб киритилгани ана шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Бундан ташқари, солиқ соҳасидаги янгиликлар билан ёшларни яқиндан таништиришда турли семинар ва кўрик-танловларнинг ташкил этилаётгани ҳам кутилган натижаларни бермоқда. Ўқувчиларнинг солиқ маданиятини шакллантириш ва солиқ қонунчилиги бўйича эгаллаган билими даражасини аниқлаш мақсадида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Солиқ билимлари — болаларга!” ижодий кўрик-танлови шундай тадбирлар сирасига киради. Ўтган йили мазкур танловда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 10 минг нафардан зиёд мактаб ва 1500 нафарга яқин касб-ҳунар коллежи ўқувчилари иштирок этгани, уларнинг сони йил сайин ортаётгани бунинг ёрқин далолатидир.

Жорий йилги танлов доирасида эса республикамизнинг барча мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўзларининг ранг-баранг ижодий ишлари билан қатнашдилар. Танловнинг туман ва вилоят босқичларида юксак иқтидори ҳамда салоҳиятини намоён қилганлар эса унинг республика босқичида иштирок этдилар.

(Давоми 2-бетда).

“Тасвирий санъат+5”

Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган “Тасвирий санъат+5” ижодий ҳафталиги якунланди.

Дилларни туташтирган санъат анжумани

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда истиқомат қилаётган санъат ихлосмандлари беш кун давомида байрам шукуҳи билан яшадилар. Зеро, қарийб тўққиз йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу анжуман ўнлаб ёш иқтидор соҳибларини кашф этди. Қолаверса, ҳафталик мусаввирлар, уста-ҳунарманду санъатшуносларнинг ўзаро ижодий ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, истеъдодли ёшларга бадиий санъат сирларини ўргатишга хизмат қилаётганлиги билан аҳамиятлидир.

Тадбир доирасида Бадиий академиянинг Марказий кўргазмалар зали, Камолиддин Беҳзод номидаги мемориал боғ-музей, Миллий рассомлик ва дизайн институти каби маданий-маърифий масканлар ниҳоятда гавжум тус олди. Бинобарин, ҳафталикда намойиш этилган кўргазмалар, маҳорат сабоқлари, амалий ва тасвирий санъатнинг долзарб масалаларига бағишланган давра суҳбатлари санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, тадбирда хорижлик мутахассислар ва ижодкорлар иштирок этганлиги ёшларимизнинг жаҳон санъатидаги янгиликлардан кенг бохабар бўлиши учун имкон яратди.

(Давоми 2-бетда).

Хитойда Ўзбекистон тақдимоти

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

бўлган тармоқларни шакллантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш дастурини амалга ошириш замонавий бозор инфратузилмасини яратишга қаратилгани баробарида, ўз вақтида ва узоқни ўйлаб қабул қилинган оқилона сиёсат натижаси эканлигини таъкидладилар. Тақдимот чоғида Ўзбекистоннинг барқарорликка, жадал иқтисодий ўсиш суръатларига эга эканлиги ўз эътирофини топгани баробарида, юртимизда янги технологияларни жорий қилиш ва ривожлантириш, қўшма корхоналар ташкил этиш ҳамда сайёҳлар алмашинувини жадаллаштириш учун кенг имкониятлар мавжудлиги айтиб ўтилди.

Шунингдек, Ўзбекистон делегацияси мазкур сафар доирасида Шеньси провинциясида фаолият юритадиган бир қатор сайёҳлик компаниялари вакиллари билан ҳам музокаралар ўтказди.

Мазкур мулоқотларда мамлакатимизда сайёҳлик соҳасини тараққий эттириш ҳамда модернизациялаш борасида кенг миқёсли дастурлар амалга оширилаётгани, ўзбек халқининг бой маданий-маънавий мероси, Буюк Ипак йўли қадим-қадимдан Самарқанд, Бухоро, Хива сингари шаҳарларимизни кўҳна Сиан шаҳри билан боғлаб келгани, юртимиз бағрида жойлашган кўплаб бетакрор тарихий-меъморий обидалар ҳақида хитойлик ҳамкорларга атрофлича маълумотлар берилди.

Хитой сайёҳлик компаниялари вакилларининг маълум қилишларича, Шеньси провинциясидан хорижий мамлакатларга кўпроқ ёшлар саёҳат қилишади ва уларнинг узоқ ҳамда яқин ўлкалар тўғрисида, жумладан, Ўзбекистон ҳақида кўпроқ билимларга эга бўлишга иштиёқлари баланд.

Музокаралар якуни бўйича "Ўзбектуризм" Миллий компанияси ва "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси томонидан ташкил этилган мегаинфотур доирасида Шеньси провинциясида фаолият кўрсатаётган йирик сайёҳлик операторлари, сайёҳлик маъмуриятлари ва оммавий ахборот воситалари вакилларининг Ўзбекистонга сафарини уюштириш тўғрисидаги келишувга эришилди. Бундан ташқари, Хитой сайёҳлик операторлари 2012 йилнинг 31 октябридан 2 ноябрига қадар Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган "Ипак йўлида сайёҳлик" 18-халқаро туризм ярмаркасида иштирок этиш учун таклиф қилиндилар.

«Жаҳон» АА.

Фурур ва ифтихоримиз тимсоли

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2004 йил 13 июль. Ушбу санада ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов шахмат бўйича жаҳон чемпиони деган унвонни қўлга киритди. Моҳир спортчимизнинг ушбу тарихий ғалабаси барчабарчамизга юксак ғурур бахш этиш билан бир қаторда, ёшларимизнинг ҳеч кимдан кам эмаслигини бутун жаҳонга намоён этди. Ёш шахматчимизнинг мазкур муваффақияти муносиб тақдирланди — Президентимиз Ислом Каримовнинг Фармонига биноан, Рустам Қосимжоновга "Амир Темур" ордени берилди.

Амир Темур шахсиятига бўлган беқиёс ҳурмат борасида Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асаридан ушбу сўзларни ўқиймиз: "Шахсан мен "Темур тузуклари"ни ҳар гал ўқир эканман, худдики ўзимга қандайдир руҳий куч-қувват топгандек бўламан. Ўз иш фаолиятимда бу китобга такрор-такрор мурожаат қилиб, ундаги ҳеч қачон эскирмайдиган, инсон маънавияти учун бугун ҳам озиқ бўладиган ҳикматли фикрларнинг қанчалик ҳаётий эканига кўп бор ишонч ҳосил қилганман. Масалан, "Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир", деган сўзлар бугунги кунда ҳам маънавий жиҳатдан нақадар долзарб аҳамиятга эга экани барчамизга аён".

Бугун хорижий мамлакатларда ҳам Амир Темур даҳосига қизиқиш ортиб бормоқда. Унинг ҳаётий ҳикматлари нуфузли таълим даргоҳларида сабоқ олаётган юз минглаб талабалар онгига сингдирилмоқда. Энг муҳими, тарихида шундай буюк зотлар яшаб ўтган мамлакатнинг келажаги ҳам буюк бўлади. Бинобарин, юртимизда олиб борилаётган бемисл ислоҳотлар, тараққиётнинг "Ўзбек модели" халқаро миқёсда ҳам тан олинаётган экан, "Амир Темур" ордени бундан-да юксак муваффақиятларни қўлга киритишимизда шижоат ва ифтихор рамзи бўлиб қолаверади.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Маҳалла — ўзига хос ноёб, бетакрор ижтимоий бошқарув идораси. Бу асрлар давомида ривожланиб келаётган, айниқса, мустақиллик даврида тубдан янгиланиб, замон талаблари асосида такомиллашиб бораётган тизимдир.

Жамоатчилик назорати

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг муҳим йўналиши

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан маҳалланинг энг демократик бошқарув тизими сифатидаги ўрни ва таъсири кучайиб бормоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, маҳалла жамоатчилик назоратини олиб боришда шундай салоҳият ва имкониятга эгаки, ундан самарали фойдаланиш "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини рўёбга чиқаришнинг муҳим талабидир.

Дарҳақиқат, ўзини ўзи бошқаришнинг халқимиз анъаналари ва қадриятларига хос бўлган усули — маҳалла тизими сўнгги йилларда жуда катта нуфузга эга бўлиб бормоқда. Бунда унинг ҳуқуқий асослари яратилгани, муҳими, изчил такомиллаштириб борилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш мақсадида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ эканлиги алоҳида таъкидланган.

Маълумки, фуқаролар йиғинлари қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг, шунингдек, ўз қарорларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади, йилнинг ҳар чорагида туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти доирасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитади.

Шу билан бир қаторда, маҳаллалар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш масалалари юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда жойлашган корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини тинглаб боради.

Бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ушбу ҳуқуқларидан самарали фойдаланиб келмоқда. Унда маҳаллалар ҳаётига дахлдор, аҳолини ўйлантириб келаётган муаммолар муҳокама қилинаяпти, уларнинг ечимлари изланаяпти. Пойтахтимиздаги Дамариқ маҳалласида ҳам мана шундай тадбирларни ўтказиш аньана тусини олганига гувоҳ бўлдик. Яқинда Яккасарой тумани ҳокими мазкур маҳаллада ҳисобот бериб, унда дамариқликларни ташвишлантираётган муаммолар, чунончи, ҳудудни ободонлаштириш, маҳалла масканида болалар спорт мажмуалари ва майдончаларини қуриш, кўчалар таъмирланиши ҳамда кўп қаватли уйларда лифтлар фаолияти узлуксизлигини таъминлаш бўйича атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Маҳалла аҳли мавжуд муаммоларни ўртага ташлаб, ҳокимликка ушбу масала юзасидан ҳамкорликда ишлашни таклиф қилди. Муҳими, республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида бўлганидек, бу ерда ҳам мазкур саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, кўплаб масалалар жойида ҳал этилди.

Юртимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ кучли фуқаролик жамияти ва адолатли демократик давлат барпо этиш мақсадида ушбу соҳанинг ҳуқуқий асосини шакллантириш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётганини айтиб ўтиш жоиз.

Таъкидлаш керакки, Концепцияда жамоатчилик назоратини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, маҳалла имкониятларини кенгайтириш юзасидан аниқ вазифалар белгиланган бу борада янги босқични бошлаб берди. Чунончи, унда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш ҳаётий зарурат эканлиги алоҳида таъкидланган. Зеро, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли, самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш фурсати етди. Қонунда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предметини, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда маҳалла озод ва обод Ватан барпо этиш, аҳоли фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган демократик ислоҳотларни амалга оширишда мустаҳкам таянч бўлиб хизмат қилмоқда. Бинобарин, унинг жамоатчилик назоратини олиб боришдаги имкониятини кучайтириш, шунга мос равишда қонунчилик асосини янада такомиллаштириш кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдек эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади, албатта.

Зиёвиддин МАНСУРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси.

Самарқанд бахмали

Бир пайтлар Самарқанд шаҳридаги бахмал фабрикасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар довруғи нафақат мамлакатимиз, балки қўшни давлатларга ҳам кенг ёйилгани кўпчиликка маълум. Афсуски, бундан тўрт йил аввал ушбу йирик корхона бозор иқтисодиёти талабларига мослаша олмай, инқирозга юз тутди. Оқибатда қувватлар фаолияти тўхтаб, юзга яқин ишчи-мутахассис вақтинча меҳнат таътилига чиқишга мажбур бўлди.

Жараён

Сифат — маҳсулот кўзгуси, деб бежиз айтилмайди. Зеро, бугунги рақобат муҳитида бозордан бирор маҳсулотнинг исталган турдагисини топиш мумкин. Бу жараёнда эса истеъмолчилар, энг аввало, уларнинг сифати ва нархини таққослаб, сўнг харидни амалга ошириши табиий. Демак, илғор ва тежамкор технологияларсиз саноатда муваффақиятга эришиб бўлмайди. Буни яхши англаган "Xalkamir Mexr" масъулияти чекланган жамияти ишбилармонлари 2010 йилда Самарқанддаги банкрот деб эълон қилинган бахмал ишлаб чиқариш корхонасини очиқ аукционда сотиб олиб, модернизация ишларини бошлаб юборишди. Бунда "Асака" банки вилоят филиали томонидан ажратилган 4 миллиард 700 миллион сўмлик кредит қўл келди: цехлардаги ишдан чиққан агрегатлар таъмирланди. Баъзи ускуналар тўлиқ янгиланди, замонавий технологиялар ўрнатилди.

Кўп ўтмай корхона қайта оёққа тура бошлади. Олинган қарзларни ўз вақтида узаётган жамоага банкнинг ишончи ортиб, ўтган йилнинг августида яна 500 миллион сўмлик кредит ажратилди. Бу маблағ "Фарғоназот" очиқ турдаги акциядорлик жамиятидан хом ашё сотиб олишга йўналтирилди.

Изланиш ва интилишлар ўз самарасини берди. Корхонада аввалгидек сержило, мафтункор, ял-ял товланиб, кўзни қамаштирувчи бир неча хил турдаги бахмаллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, 195 та иш ўрни қайта тикланди. Натижада жамиятда ўтган йилнинг ўзида жами 282 минг 762 погонометр ёки икки миллиард 729 миллион 232 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, харидорларга етказиб берилди.

— Дастлаб 5 хил маҳсулот тайёрлаган бўлсак, бугун уларнинг тури 15 тага етди, — дейди унинг раҳбари Мирсаид Жўрақулов. — Хусусан, сўзана, қорақанд, бодринг ва атиргул нусха, гулли бахмал турлари харидорларга манзур. Шу боис улар омборларда туриб қолаётгани йўқ.

Корхона раҳбарининг таъкидлашича, бу ерда ишчи-ходимлар учун кўплаб қулайликлар яратилган. Улар 400 минг сўмдан 800 минг сўмгача ойлик маош олишаяпти. Ишга бориб-келишлари учун автобус ажратилган, бепул тушлик берилади. Жорий йил охирига қадар ишлаб чиқариш ҳажми оширилиши орқали жамоа аъзолари сонини 250 нафарга етказиш режалаштирилган.

Дарвоқе, "Xalkamir Mexr" масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлик ишларига ҳам бош қўшмоқда. Жумладан, жамоа ҳомийлигида корхона биноси яқинидаги ташландиқ клуб ўрнида "Фонд Форум"нинг универсал маркази қад ростлаяпти. Қолаверса, шу ердаги 60 сотих майдонда боғ ташкил этиш ҳам кўзда тутилган. Ушбу хайрли ишлар тўлиқ амалга ошгач, мазкур ҳудуд йигит-қизлар, ёш оилаларнинг севимли масканига айланиши, шубҳасиз.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: корхона фаолиятидан лавҳа.

Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

Дилларни туташтирган санъат анжумани

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бадиий академиянинг Марказий кўргазмалар зали, Камолиддин Беҳзод номидаги мемориал боғ-музей атрофидаги кўча ва хиёбонларда ёш рассомлар, ҳайкалтарошлар она-Ватанимизнинг бетакрор гўзаллиги, табиати, осориатиқалари, шунингдек, халқимизнинг умрбоқий анъаналари, урф-одатлари, қадриятларини тараннум этувчи бадиий ижод намуналарини яратдилар. Бири-биридан қизиқарли лойиҳаларни ўз ичига олган тадбирнинг якуний қисмида иштирокчилар фоторассомлар ижоди билан танишдилар. Шунингдек, "Тасвирий санъат+5" ижодий ҳафталиги доирасида бўлиб ўтаётган Япония маданият ҳафталигининг узвий давоми сифатида ташкил этилган "Оригами" санъати намойиши ҳам ўтказилди.

Ҳафталикда тасвирий ва амалий санъатимиз дарғалари, уста-кулоллар, миниатюрачи рассомлар ҳаёти ва ижодидан ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмлар намойиш этилганлиги "Устоз — шогирд" анъаналарининг бардавомлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан ранг-баранг ижод намуналарию ёрқин тақдимотларга бой бўлган ижодий ҳафталик якунланди. Анжуманда пойтахтимиз ва вилоятлардаги санъатга ихтисослаштирилган олий ҳамда ўрта махсус ўқув юртлари, шунингдек, мактаб-интернатларнинг иқтидорли ёшлари қатнашдилар.

Санъат ҳафталигининг ёпилиш маросимида бир гуруҳ фаол иштирокчиларга Ўзбекистон Бадиий академиясининг совғалари, махсус диплом, фахрий ёрлиқ ва сертификатлар топширилди.

М. ХОЛМАТОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Солиқ билимлари – болаларга»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Кеча Тошкент солиқ коллежида бўлиб ўтган якуний босқичда мактаб ўқувчилари "Солиқ мавзусининг суратлардаги тасвири", "Солиқ мавзусининг ҳикояларда акс эттирилиши" йўналишларида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари эса "Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсати" мавзуидаги энг яхши иншо ҳамда "Солиқлар нимага тўланади ва нималарга сарфланади?" мавзуидаги энг яхши компьютер тақдимоти номинациялари бўйича беллашдилар.

Якунда Тошкент шаҳрининг Олмазор туманидаги аниқ фанларга ихтисослаштирилган мактабнинг 3-синф ўқувчиси Зуҳра Мақсудованинг "Солиқ мавзусининг суратдаги тасвири" номинацияси бўйича тақдим этган сурати, шу мактабнинг 9-синф ўқувчиси Машраббек Равшанбековнинг қайд этилган мавзуга доир ҳикоялари, Бухоро солиқ касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Алишер Йўлдошевнинг "Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсати" мавзуидаги иншоси, Тошкент солиқ коллежи ўқувчиси Саидакмал Шоабдужалиловнинг "Солиқлар нима учун тўланади ва нималарга сарфланади?" мавзуидаги видеоролиги мазмун-моҳияти, мақсади ва ижро даражасига кўра, ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Иқтисодий тараққиётимизнинг муҳим омили

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугунги кунда дунёда 3,5 мингдан зиёд ЭИЗлар ташкил этилган бўлиб, улар 140 га яқин мамлакатда жойлашган. Бутун дунёдаги ЭИЗларда салкам 70 миллион киши меҳнат қилади. Уларнинг йиллик савдо айланмаси эса 500 млрд. доллардан зиёддир.

Айни пайтда ЭИЗларнинг жуда кўп турлари мавжуд бўлиб, иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши ҳамда глобаллашув жараёнининг таъсири натижасида улар ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан ўзгариб ва кўпайиб бормоқда. "Эркин иқтисодий зоналар" категориясига "эркин савдо зонаси", "махсус иқтисодий зона", "махсус индустриал зона" каби 30 дан зиёд номдаги махсус иқтисодий-маъмурий ҳудудлар кириши бунинг тасдиғидир.

Аммо шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ЭИЗларда кутилган самарага эришиш учун уларни қачон, қандай йўналишда ва қандай миқдорда қўллашни аниқ билмоқ лозим. Бу борада айнан шу учта асосий қоидага риоя қилмаслик туфайли уларнинг мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатиш ҳоллари ҳам учрайди. Масалан, собиқ "иттифоқдош" республикаларнинг бир нечтаси ўтган асрнинг 90-йилларида шошмашошарлик билан қатор эркин иқтисодий зоналарни ташкил этганини эслайлик. Ўша даврда мазкур мамлакатларда бозор инфратузилмаси ва муносабатлари шаклланишнинг бошланғич босқичида бўлганлиги ҳисобга олинмаганлиги оқибатида уларга сарфланган маблағлар ва моддий ресурслар ҳеч қандай самара бермади. Пировардида ЭИЗларнинг аксарияти ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди. Бундай муваффақиятсиз ташаббусларга Молдова, Беларусь, Россия, Украина, Қирғизистон каби давлатлардаги ЭИЗлар мисол бўла олади.

Ўзбекистонда эса, аввало, мақбул иқтисодий муҳитни яратиш, бозор иқтисодиёти институтлари ва хусусий тадбиркорлар синфини шакллантиришга алоҳида эътибор берилди. Шу тариқа иқтисодий тизим ва ундаги хусусий сектор дунёдаги йирик инвесторлар билан айнан мамлакат иқтисодиёти учун самарали йўсинда, яъни юқори қўшимча қиймат яратувчи ишлаб чиқариш соҳаларида тўлақонли ҳамкорлик қила оладиган ҳолга келтирилди. Ўз вақтида эркин иқтисодий зоналарнинг мамлакат иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир этиши ҳисобга олинган ҳолда, "Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.

Ушбу саъй-ҳаракатлар бугун республикамизда бир неча йиллар олдин бошланган иқтисодий сиёсатнинг нақадар пухта ишлаб чиқилгани ва оқилона эканлигини исботламоқдаки, буни нафақат юртимиз аҳолиси, балки дунёнинг энг нуфузли халқаро ташкилотлари, ривожланган мамлакатлар раҳбарлари, етук иқтисодчи-олимлар ва йирик инвесторлар ҳам тан олмоқда.

Хабарингиз бор, Президентимизнинг 2008 йил 2 декабрдаги Фармони асосида Ўзбекистонда биринчи эркин иқтисодий зона — "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси (ЭИИЗ) ташкил этилди. Мазкур ҳужжатнинг жаҳон иқтисодий инқирози бутун дунёдаги энг ривожланган мамлакатларга ҳам сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатаётган бир пайтда имзоланганлиги юртимизда яратилган иқтисодий пойдеворнинг ниҳоятда мустаҳкамлигини яққол тасдиқлайди.

"Навоий" ЭИИЗ мамлакатимизнинг марказий ҳудудида барпо этилган бўлиб, шубҳасиз, у бу ҳудуднинг иқтисодий-индустриал ўсишига салмоқли ҳисса қўшади. Шунингдек, мазкур ЭИИЗ "Навоий" халқаро аэропорти билан туташ равишда барпо этилганлиги ҳаво транспортидан кенг фойдаланишга имкон бериши билан бирга, жаҳондаги етук авиа ҳамда юк ташувчи компанияларнинг назарига тушди ва давлатимизнинг яна бир йўналиш бўйича мавқеи ошишига сабаб бўлди.

Ўтган давр мобайнида "Навоий" ЭИИЗга хорижий компаниялар томонидан бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Ҳозир бу ерда Жанубий Корея, Хитой, Сингапур, Ҳиндистон, БАА ва бошқа бир қатор давлатлар билан ҳамкорликда 20 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Хорижий инвесторлар мамлакатдаги иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги ҳамда ушбу ЭИИЗда таклиф этилаётган имкониятлар ва имтиёзлар туфайли унга инвестиция киритиб, узоқ муддатли индустриал лойиҳаларни бошлаганларини билдирмоқдалар.

Эндиликда, орадан уч йил ўтиб, Президентимизнинг шу йил 13 апрелдаги "Ангрен" махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, Ўзбекистонда иккинчи эркин иқтисодий зонага асос соратки, унга кўра, янги МИЗда таклиф этилаётган имтиёзлардан фойдаланиш учун киритилиши лозим бўлган инвестицияларнинг қуйи чегараси 300 минг АҚШ доллари этиб белгиланган. Айни шу миқдор чет эллик инвесторга бир талай солиқ ва тўловлардан 3 йил муддатга озод бўлиш ҳуқуқини беради. Бу янгилик эса олдинги ЭИЗда кўрсатилган имтиёзлардан фойдаланиш шартларига нисбатан ўн баравардан ҳам кўпроқдир. Бундан ташқари, киритилган инвестициялар миқдорининг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, хорижий инвесторлар мавжуд имтиёзлардан 10 йилга қадар фойдаланиши мумкин.

"Ангрен" МИЗ, биринчи галда, ўз вақтида саноат шаҳарлари сифатида ташкил қилинган, аммо бу салоҳият ўз даврида бир ёқлама, марказга йўналтирилган ишлаб чиқаришга асосланиб қолган Ангрен ва Оҳангарон шаҳарларининг бугунги кунда ислоҳ этилаётган саноат тизимини янада ривожлантиришга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, замонавий технологиялар асосида қўшимча иш ўринлари яратилишини таъминлайди. Бу билан ушбу махсус иқтисодий зона Тошкент вилоятидаги иккита йирик ҳудуд — Ангрен ҳамда Оҳангарон шаҳарлари ва уларнинг атрофидаги маҳаллий пунктларда истиқомат қилаётган аҳоли фаровонлигини оширишга ҳам муносиб улуш қўшади.

Мазкур МИЗнинг яна бир афзаллиги шундаки, у мамлакатимизнинг шимоли-шарқий қисмидаги Ангрен ва Оҳангарон шаҳарлари ҳамда улар атрофидаги ҳудудларда барпо қилинади. Бу ҳудудда "Ангрен" логистика маркази ҳам жойлашганлиги эса, янги индустриал зона салоҳиятининг ошишига қўшимча ёрдам бўлади. Шунингдек, Ўзбекистонни Қирғизистон орқали Хитой билан боғловчи бўлажак автомагистралнинг Ангрен шаҳридан ўтиши, қолаверса, ушбу шаҳар мамлакат пойтахтини Фарғона водийси билан боғловчи асосий нуқталардан бири эканлигини инобатга олсак, "Ангрен" МИЗ ҳам миллий, ҳам минтақавий, ҳам халқаро миқёсда аҳамиятга моликлиги янада ойдинлашади.

Шу тариқа бугунги кунда мамлакатимизнинг марказий қисмида жойлашган ва ишлаб чиқариш билан бир қаторда, ҳаво транспорти воситасида халқаро миқёсда хизмат кўрсатишга асосланган "Навоий" ЭИИЗ сафига шимолда жойлашган ва ишлаб чиқаришдан ташқари миллий ҳамда халқаро миқёсда автомобиль йўллари ёрдамида юк ташишга асосланган "Ангрен" махсус индустриал зонаси ҳам қўшилди. Бу, таъбир жоиз бўлса, нафақат ҳудудлар салоҳияти, балки ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларидан ҳам кенг қамровли ҳамда самарали фойдаланишга қаратилган узоқ муддатли пухта иқтисодий стратегияни амалга оширишда яна бир муҳим қадам қўйилганидан, бугунги кунда дунёда иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг "Ўзбек модели" деб тан олинган тараққиёт йўлимиз нақадар тўғри эканлигидан далолат беради.

Фарҳод ЖЎРАХОНОВ,
Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтининг бўлим бошлиғи.

Изланиш

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси иқтисодиётнинг барча тармоқларида бўлгани каби қишлоқ хўжалигида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Замонавий технологияларни жорий қилиш, меҳнатни тўғри ташкил этиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли ўтган йили тизимда ўсиш суръати 6,6 фоизга кўтарилгани, жумладан, чорвачилик ва паррандачиликда 6 миллион 600 минг тонна сут, 1 миллион 500 минг тоннадан ортиқ гўшт, 3 миллиард 500 миллион донадан зиёд тухум тайёрлангани бунинг тасдиғидир.

Ветеринария хизмати:

Самарали ҳамкорлик ва янгиланишлар мезони

Буларнинг барчаси аҳолини муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, бозорлар тўкинлигига эришиш, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига зарур хом ашёларни узлуксиз етказиб бериш имконини яратаётгани билан аҳамиятлидир.

Бундай ютуқларда, табиийки, кунни кун, тунни тун демасдан, фидокорона меҳнат қилаётган соҳа вакиллари қатори ветеринария мутахассисларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Сабаби, чорва моллари ва паррандаларни касалликлардан ҳимоялаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг ветеринария-санитария муаммоларини ҳал этиш каби вазифаларни уларнинг хизматисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг “Ўззооветтаъминотхизмат” бирлашмаси жамоаси фаолияти бунга яққол мисол бўла олади.

Мазкур бирлашма мамлакатимиздаги чорвачилик ва паррандачилик хўжаликларини ветеринария препаратлари, шу жумладан, эмламалар, зарарсизлантирувчи воситалар, зоотехника ва жарроҳлик асбоб-анжомлари, кимёвий бирикмалар билан таъминловчи ягона давлат ташкилоти ҳисобланади. Унинг билимдон, тажрибали ва фидойи ходимлари буни чуқур ҳис этган ҳолда, чорва моллари ва паррандаларнинг бош сонини кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, касалликлардан муҳофазалаш, эпизоотик барқарорликни сақлаш йўлида эртаю кеч самарали меҳнат қилмоқдалар.

Сир эмас, юртимизда чорва молларини юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш ва уларни даволаш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Шу мақсадда комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Натижада бирлашма аҳли Давлат ветеринария бош бошқармасининг белгиланган тартибдаги буюртмасига биноан, чорвадорларнинг зарур эмлама зардоблари бўлган эҳтиёжини қондириб келмоқда. Ветеринария препаратларининг ўз вақтида олиб келинишида эса, айтиш мумкинки, давлатимиз томонидан яратиб берилган қулайликлар муҳим омил бўлаётир.

> *Жорий йилда эса хўжаликлар ва зооветеринария пунктларига керакли препаратлар, эмлама зардоблари ва зарарсизлантирувчи воситалар, асбоб-анжомларни арзон нархларда етказиб бериш учун Испания, Венгрия, Чехия каби мамлакатлардаги ҳамкорлар билан шартномалар имзоланиб, уларни белгиланган муддатларда амалга ошириш тадбирлари кўрилмоқда.*

Шу билан бирга, бирлашма жамоаси маҳсулотларни чет элдан импорт қилиш билан чекланибгина қолмай, маҳаллийлаштириш жараёнини жадаллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратаётгани диққатга сазовор. Бунинг самараси ўлароқ, “Ветфам Сервис” фирмасида шу йилнинг охиригача импорт ўрнини босувчи эмлама ва препаратларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилиши кутилмоқда.

Мутахассисларнинг айтишича, биологик препаратларни хориждан олиб келиш ва сифатли сақлаш маълум шарт-шароитлар яратилишини талаб этади. Бу масала ҳам диққат-эътиборда турибди. Махсус транспорт воситалари, логистика сервиси ҳамда 258 квадрат метрлик майдон, 4 камерали махсус совутқич ва махсус омборхоналар шу мақсадлар учун хизмат қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, бирлашманинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва даромадининг ошишида муҳим аҳамият касб этаяпти. 2011 йилда унинг маҳсулот айланмаси қарийб 6 млрд. сўмни ташкил этгани ана шундан далолатдир.

Мухтасар айтганда, “Ўззооветтаъминотхизмат” республика бирлашмаси жамоаси яратиб берилган қулайликлардан унумли фойдаланиб, зиммасидаги вазифани сидқидилдан адо этиб келаётир. Пировардида ҳудудларга бошқа давлатлардан чорва моллари ва паррандаларнинг юқумли касалликлари кириб келишининг олди олинмоқда.

Ҳанифа ШАМШИЕВА.

Корхона, ташкилот ва муассасалар диққатига!

2012 йил 26 май куни 2011/2012 ўқув йилида

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИНИ

битираётган ёш мутахассисларни ишга тақсимлаш комиссияси якуний йиғилиши бўлиб ўтади.

Қуйидаги мутахассисликлар бўйича бўш иш ўринларига эга корхона, ташкилот ва муассасаларни ёш мутахассисларнинг бандлигини таъминлашда ҳамкорликка таклиф этамиз.

Т/р		Ҳудудлар бўйича битирувчилар сони													
		Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон вилояти	Бухоро вилояти	Жиззах вилояти	Навоий вилояти	Наманган вилояти	Самарқанд вилояти	Сурхондарё вилояти	Сирдарё вилояти	Тошкент вилояти	Фарғона вилояти	Хоразм вилояти	Қашқадарё вилояти	Тошкент шаҳри
	Бакалавриат	**5**	**10**	**5**	**4**	**7**	**11**	**14**	**12**	**4**	**18**	**6**	**9**	**9**	**102**
1.	Санъатшунослик: тасвирий ва амалий санъат	1				1		2	2		1		1		9
2.	Санъатшунослик: музейшунослик	1							2		1			2	5
3.	Менежмент				1	1		2	2		3		1	2	5
4.	Либослар дизайни ва газламалар бадиий ечими		1			2	2	2		1	2	3	1		15
5.	Интерьерни лойиҳалаш						1				2		1		14
6.	Дастгоҳли рангтасвир		1			2	4		1	1		2			4
7.	Маҳобатли рангтасвир		1				2	2		1		1		1	2
8.	Фильмнинг тасвирий ечими	1	1			1	1	1						1	3
9.	Театр безаги рангтасвири														
10.	Дастгоҳ ва китоб графикаси	1	1		2					1			1	1	6
11.	Хаттотлик ва миниатюра		2	2									2		1
12.	Ҳайкалтарошлик			1			1	1					1		1
13.	Компьютер графикаси ва бадиий фото										3				12
14.	Реклама ва амалий графика		1		1										8
15.	Бадиий кулолчилик	1	1					2			1				2
16.	Амалий санъат асарларини таъмирлаш														3
17.	Меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлаш												1		
18.	Касбий таълим: либос дизайни			2				1	5		4				10
19.	Касбий таълим: интерьер дизайни		1					1			1			2	2
	Магистратура	**2**	**2**	**3**	**2**	**1**	**3**	**1**	**5**	**1**	**2**	**2**	**5**	**4**	**25**
1.	Санъатшунослик: тасвирий санъат тарихи ва назарияси			1		1			1	1					2
2.	Музейшунослик: консервация ва бадиий бойликларни сақлаш	1							1			1			3
3.	Либослар дизайни ва газламалар бадиий ечими		1											1	8
4.	Интерьерни лойиҳалаш			1	1						2		1	1	7
5.	Дастгоҳли рангтасвир	1		1	1		1		1				3	1	2
6.	Маҳобатли рангтасвир						2					1		1	3
7.	Амалий санъат асарларини таъмирлаш		1					1	2				1		

Маълумот учун телефон: (8-371) 232-18-39, маркетинг бўлими.
Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Содиқ Азимов кўчаси, 35-уй.
Электрон манзил: mrdi07@yandex.ru Веб-сайт: e-mrdi.uz Факс: (8-371) 232-17-61.

682R/468

Ўзбекистон — Германия «Савдогар» очиқ акциядорлик тижорат банки

тендер комиссиясининг 2012 йил 16 мартдаги қарорига биноан, ORACLE маълумотлар базасини бошқариш тизимини лицензиялаш бўйича ўтказилган тендер ёпилганлигини маълум қилади.

677A/525

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Оққўрғон тумани СИБ томонидан, 2012 йил 26 январдаги ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, «Ҳамид Олимжон» ф/х.да жойлашган дўкон биноси. Бошланғич баҳоси — 21 477 400 сўм.
2. Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, Охунбобоев кўчаси, 126-уйда жойлашган омборхона ва бостирма (навес) биноси. Бошланғич баҳоси — 53 855 300 сўм.
3. Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, Охунбобоев кўчасида жойлашган маиший хизмат уйи биноси. Бошланғич баҳоси — 150 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 29 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2012 йил 29 май куни сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 12 июнь куни бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион санасидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖнинг Тошкент шаҳри, «Ипотека-банк»и АТИБ Шайхонтохур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО: 00425, СТИР: 207125885.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: (8-371) 266-80-76.

Лицензия: RR-0052.

678A/121

«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ҳамза тумани СИБ томонидан, 2011 йил 25 июлдаги 21430/4-сонли бирлаштирилган ижро варақасига асосан хатланган, қарздор «UMUM QURILISH SERVIS» XICQKга қарашли, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод (собиқ О. Зокиров) кўчаси, 85-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 10441 кв.м., фойдаланиш майдони 523 кв.м.дан иборат 4 та бино (блок-1 қоровулхона биноси — 14 кв.м., блок-2 ёрдамчи бино — 23 кв.м., шийпон майдони — 13 кв.м., блок-3 бокс биноси — 42 кв.м., блок-4 маъмурий бино — 431 кв.м.) қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2012 йил 1 июнь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади. Юқоридаги кўчмас мулклар 2012 йил 1 июнь куни сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 12 июнь куни бўлиб ўтади.

Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг «Ипотека-банк»и АТИБ Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, Беруний к., 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (8-371) 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039.

676R/505

Ўзбекистон бозорида 16 йилдан кўпроқ иш тажрибасига эга

«KIMYOHIMOYATA`MINOT» қўшма корхонаси

металл ва ёғочдан ясалган буюмларни бўяш учун мўлжалланган

«Defender» русумли

сув ва акрил бўёқлари ёрдамида ёнғиндан ҳимояланиш усулини тавсия қилади. Ушбу юқори сифатли усул Американинг ёнғиндан ҳимояловчи замонавий технологиясига асосланган.

Шунингдек, қўшма корхона елим билан қопланган буюмлар ҳамда турли кабель маҳсулотларини, ёнғиндан сақловчи бошқа материалларни ҳам мижозларга таклиф қилади.

Тел./факс: (8-371) 150-46-90, 150-46-93, (+99 890) 979-00-55, 985-50-30.

3554/244

ПУЛАТ ҚУВУРЛАР

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ККС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА НЕФТЬ-ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР, диаметри 325-1620 мм., девор қалинлиги 6,0-24,0 мм., API-5L стандарти, баҳоси 1 тн. учун 3 950 000 сўмдан бошлаб.

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 000 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ — 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20. Девор қалинлиги 2,0-3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

03R/97

ТАРОЗИЛАР Micros

Ўзбекистондаги расмий ҳамкор

CAS Корпорацияси (Жанубий Корея)

МАССА-К Ассоциацияси аъзоси

0,0001 гр. дан 250 тоннагача

ЧЕГИРМАЛАР 20% ГАЧА

Сертификатланган + Сифат + Кафолат + Сервис

- Кичик Бешёғоч к., 86 (соб. Глинка кўчаси, олдинги шаҳар ГАИси қаршисида), тел.: (+998 71) 200-34-34, (доп. 850, 858), факс: 281-43-65;
- Тўйтепа к., 5 (Давлат поликлиника бекати), тел.: (+998 71) 232-06-61, 236-04-49, 233-60-07;
- Беруний к., («Тинчлик» метро бекати), тел.: (+998 71) 120-85-85, 242-42-52, 249-39-50.

www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz

680R/920

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

232-11-15, 236-09-25.

E-mail: reklama@xs.uz

02

GidroSpetsKrovlya

ОРГАНИЗАЦИЯ ПРЕДЛАГАЕТ

наплавляемые кровельные и гидроизоляционные материалы:

ИЗОЛ И ФОЛЬГОИЗОЛ *собственного производства на стеклотканой основе.*

Выполняем все виды кровельных работ с гарантией.

Тел.: 443-58-30, 103-00-86, 228-20-70, факс 248-69-00.

16R/1299

Ўзбекистон — Германия «Савдогар» очиқ акциядорлик тижорат банки жамоаси банкнинг девонхона бўлими бошлиғи Гулнора Исмаиловага волидаи муҳтарамаси

Манзура МУҲИТДИНОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Бадиий академияси Бадиий кўргазмалар дирекцияси директори Музаффар Назаровга укаси

Баҳодир НАЗАРОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети маъмурияти ва Касаба уюшмаси қўмитаси Француз тили лексика ва стилистикаси кафедраси мудири Зулфия Давроновага падари бузруквори

Бобомурод ДАВРОНОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“Ўзэлектртармоқ” УК жамоаси юридик бўлими етакчи ҳуқуқшуноси Бахтиёр Абдусалямовга волидаи муҳтарамаси

ЎЛМАСХОН аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Малакали мутахассислар — юксалиш пойдевори

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тизимда замонавий ўқув ва илмий лаборатория жиҳозлари, визуал техника ҳамда технология воситалари каби илғор усуллар ва воситалар жорий этилди. Натижада таълим сифати тубдан яхшиланиши баробарида, талаба-ёшларнинг ҳар бир машғулот, амалиёт жараёнидаги фаоллиги кучайди.

— Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида Асака шаҳрида замонавий автомобиль корхонасининг ишга туширилиши мамлакатимиз тарихида мисли кўрилмаган воқеа бўлди, — дейди Андижон машинасозлик институти ректори, техника фанлари доктори, профессор Равшан Сайдаҳмедов. — Ўзбекистон дунёда автомобиль ишлаб чиқарувчи 28 та ривожланган давлат қаторидан ўрин олди. “GM — Ўзбекистон” қисқа вақт ичида мамлакатимиз саноатининг етакчи корхонасига айланди.

Унинг фаолият доираси йил сайин кенгайиб бормоқда. Замон талабларига, халқаро андозаларга тўла жавоб берадиган, ҳар томонлама қулай, ихчам, тежамкор, илғор дизайн ва техник афзалликлари билан ажралиб турадиган янги русумдаги “Нексия”, “Спарк”, “Ласетти”, “Каптива”, “Эпика” туркумига кирувчи автомобилларимизнинг шуҳрати тобора ортмоқда.

Илгари автомобиллар учун бутловчи қисмлар хориждан келтирилган бўлса, эндиликда уларнинг асосий қисми Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўзимизда ишлаб чиқарилаётир. Улкан саноат мажмуи буюртмаларини бажарадиган “Ўз Корам Ко”, “Ўз Донг Жу Пэинт Ко”, “Ўз Тонг Хонг Ко”, “Ўз Донг Янг Ко” сингари ўнлаб янги корхона ва ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилди. Улар томонидан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Минглаб иш ўринлари вужудга келди. Мухтасар айтганда, мамлакатимизда автомобилсозликка боғлиқ бутун бир инфратузилма яратилди.

Биласиз, фан-техника шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда янги-янги соҳалар пайдо бўлмоқда. Шуларни ҳисобга олиб, мазкур институт жамоаси олдига машинасозлик, автомобилсозлик ҳамда энергетика тармоқлари, саноат ва хўжалик объектларини лойиҳалаш ҳамда уларни барпо этишга ихтисослаштирилган корхоналар учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашдек долзарб вазифалар қўйилди.

Яна бир муҳим масала — таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияни янги босқичга кўтаришдир. Бу борада институт жамоаси машинасозлик ва автомобилсозлик корхоналари, ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишга эътибор қаратмоқда.

Ўтган қисқа вақт ичида “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси тасарруфига кирувчи “GM — Ўзбекистон” ЁАЖ, “Ўз Донг Жу Пэинт Ко”, “Ўз Тонг Хонг Ко”, “Ўз Донг Янг Ко”, “Ўз Сэм Юнг Ко”, “Ўз Карам Ко”, “Ўз Донг Вонг Ко”, “Ўз Коджи”, “Idas elektroniks sistem”, “Ўз Метертеч Ко”, “Андижонкабель” сингари бир қатор қўшма корхоналар, “Андижонмаш”, вилоят “Электртармоқлари” АЖ, “Ўзавтосаноат” АЖ, “Андижонавтотеххизмат” ЁАЖ, “Ўзтемирйўлмаштаъмир” УК, Андижон механика заводи, “Автокомпонент” ОАЖ, “Ўзбектелеком” АК каби йирик ишлаб чиқариш тармоқлари билан мутахассислар тайёрлаш, кадрлар малакасини ошириш юзасидан дастурлар ишлаб чиқилди. Ҳар икки томон учун ҳам бирдек наф келтирадиган бундай ҳамкорлик туфайли ўқув-ишлаб чиқариш амалиётлари такомиллашиб, таълим сифати янада яхшиланиб бормоқда.

— Болалигимдан автомобилга қизиқаман, — дейди технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ҳамда бошқариш йўналиши бўйича таҳсил олаётган биринчи босқич талабаси Дониёрбек Шокаримов. — Орзуларим ушалди. Энди мен Асака автозаводида ишлаётган акаларимга ўхшаган мутахассис бўламан. Ўқитишнинг янги, самарали услуб ва воситалари замонавий автомобиллар ишлаб чиқарадиган кадр бўлиб етишишимизда ўзига хос аҳамият касб этаётир.

Дониёрбек ва унинг тенгдошлари фахрланганича бор. Дунёнинг энг нуфузли олий таълим муассасаларида бўлгани каби юртимиз олий таълим тизими, хусусан, машинасозлик институтида ҳам ўқитишнинг янги усулларини қўллашга катта эътибор берилмоқда. Чунончи, масофавий таълимни жорий этиш мақсадида юқори тезликда ишлаш имконини берадиган оптик толали алоқа тизими йўлга қўйилди. Телеконференция зали ташкил этилиб, техник воситалар билан жиҳозланди. Зарур дастурий ва услубий базалар яратилди. Ҳадемай институт қошида мультимедиа маркази очилади ҳамда корпоратив локал тармоғи вужудга келтирилади.

Ҳар бир мамлакат равнақи, қўлга киритаётган ютуқлари ундаги таълим тизимининг қай даражада йўлга қўйилгани билан белгиланади. Биз шу азиз заминда камол топаётган талаба-ёшларнинг Ватан тараққиётига ҳисса қўшиш, автомобилсозлик саноатини ривожлантиришга чоғланганликларини уларнинг орзу-интилишларида, изланиш ва қизиқишларида кўрдик.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
Шомурот ШАРАПОВ (суратлар),
«Халқ сўзи» мухбирлар.

Саҳнада саралланган қўшиқлар

Инсонни маънавий баркамоллик сари етакловчи воситалар кўп. Қўшиқ ҳам ана шундай мўъжизакор кучга эга. Зеро, матн, мусиқа ва ижро уйғунлиги таъминланган чинакам ижод намуналарининг умри боқий бўлади.

«Марди майдон»

Қалбларни титроққа солувчи бундай қўшиқларни яратиш ижодкорларнинг истеъдоду маҳоратига боғлиқ. Айниқса, катта саҳнадан туриб, жонли ижрода қўшиқ куйлашнинг масъулияти юксак. Бу орқали санъаткор ўз истеъдодини яна бир карра синовдан ўтказса, мухлису томошабинлар ҳақиқий маънавий озуқадан баҳраманд бўладилар.

“Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси, “Terra Group” масъулияти чекланган жамияти ҳамда Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамкорлигида ташкил этилган “Марди майдон!” жонли ижродаги қўшиқлар фестивали иштирокчиларининг навбатдаги концерти бунинг яна бир тасдиғи бўлди.

— Мазкур фестиваль тобора оммалашиб бормоқда, — дейди “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси бош директори Азамат Ҳайдаров. — Бундан роппа-роса бир йил аввал ушбу ижодий беллашувнинг илк концертини ташкил этгандик. Бугун “Марди майдон!” хонандалар учун ҳақиқий синов майдонига айланди. Ўтган даврда эстрада, анъанавий ижрочилик ва академик вокал йўналишлари бўйича кўплаб янги овоз эгалари кашф этилгани ютуғимиздир.

Бу галги концертда анъанавий ижрочилик бўйича 2 нафар, эстрада йўналишида 7 нафар хонанда ўз маҳоратини намойиш этди. Айниқса, Шерали Бекмуродов, Шоҳиста Пирназарова, Наргиза Азимова, Лобар Жумадинова, Рушанахон Аҳмадхўжаеванинг чиқишлари мухлисларда катта таассурот қолдирди.

Ф. БЎТАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Шу кунларда бир қатор мамлакатларда Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида ташкил этиладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланмалар берувчи мусобақалар бўлиб ўтмоқда.

Яна икки йўлланма

Уларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилаётган атлетлар ҳам ўз иқтидор ва маҳоратларини намоён этиб, нуфузли спорт анжуманида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлаётир. Жумладан, шу йилнинг 19 — 22 апрель кунлари Японияннинг Такаяма шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда Руслан Кудаев қиличбозликнинг шпага тури бўйича барча рақибларидан устун келиб, олтин медаль ва Лондон Олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритди. Мусобақа давомида у Вьетнам вакили Нгуен Тьен Нят, қирғизистонлик Евгений Наумкин каби кучли қиличбозларни катта тафовут билан мағлубиятга учрата олди.

Мамлакатимизнинг энг иқтидорли спортчиларидан бири Екатерина Хилько эса тўртинчи бор Олимпиада ўйинларида иштирок этадиган бўлди. Бунгача Сидней, Афина ва Пекин шаҳарларида уюштирилган нуфузли мусобақаларда юртимиз шарафини ҳимоя қилган иқтидорли спортчимиз Туманли Альбионда ҳам ўз маҳоратини намойиш этишига шубҳа йўқ. Чунки у 2008 йили Пекин Олимпиадасида бронза медалига эгалик қилганди. Шундай экан, Лондон ареналарида Екатеринадан юқори натижаларни умид қилсак бўлади.

Спортчимиз нуфузли мусобақанинг батутда сакраш баҳсларида ўз истеъдодини кўрсатади.

Фазлиддин АБИЛОВ.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2012 ЙИЛ 14 АПРЕЛДАН 20 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Шифокор рецептисиз сотиладиган дори воситаларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2012 йил 28 мартдаги 82-сонли буйруғи.*

2012 йил 18 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2353 (2012 йил 28 апрелдан кучга киради).

2. «Юқори частотали қурилмаларнинг рухсат берувчи ҳужжатларини расмийлаштириш, қурилмаларни рўйхатга олиш ва уларнинг техник параметрларини ўлчашни ўтказиш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2012 йил 20 мартдаги 6-ю-сонли буйруғи.*

2012 йил 18 апрелда 1751-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 28 апрелдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. «Шифокор рецептисиз сотиладиган дори воситаларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ. *Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 2237, 2011 йил 10 июнь).*

Адлия вазирининг 2012 йил 18 апрелдаги 86-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. Ўзбекистон Республикаси темир йўлларидан техник фойдаланиш бўйича қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида. *Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг бошлиги томонидан тасдиқланган.*

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди.

Мазкур ҳужжат белгиланган тартибда кўрсатилган идора томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин.

Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

● Реклама ва эълонлар ●

Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми?

Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми?

Унда шошилиб таваккал қилманг.

Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совуришингиз мумкин.

Кўчмас мулк бозорида 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизга кўчмас мулк, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.

Бунинг учун жамиятимиз юқори малакали мутахассисларининг **(+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85** телефонларига қўнғироқ қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкингиз оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шаклланган ҳақиқий нархлар билан таққосланган ҳолда, республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади.

Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади.

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан сизни, албатта, қувонтиради.

Унутманг!

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ кўчмас мулк бозорида энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.

Лицензия: RR-0001.

Мурожаат қилинг ва барака топинг!

563R/1441

ОБ-ҲАВО

(26 апрель)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида	+13 +18	+23 +28
Бухоро ва Навоий вилоятларида	+13 +18	+23 +28
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида	+13 +18	+28 +33
Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида	+13 +18	+24 +29
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида	+13 +18	+23 +28
Тошкент шаҳрида	+14 +16	+24 +26

FIAT INDUSTRIAL
NEW HOLLAND CONSTRUCTION
NEW HOLLAND AGRICULTURE

E 215

TL 100

100 л.с.

Итальянча сифат

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

UzCaseService Tel.: 120-60-97, 120-74-50.

240R/98

DOOSAN

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«TOU Co., LTD»
Ўзбекистон — Корея Республикаси қўшма корхонаси

Жанубий Кореянинг «Doosan Infracore., Co LTD» компаниясида ишлаб чиқарилган юқори сифатли, жаҳон андозаларига мос

йўлсозлик ва қурилиш техникаларини

буюртма бўйича етказиб беради.

Манзил: 100020,
Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани,
Лайлитўғон кўчаси, 97-«А» уй.
Тел.: (+99871) 242-00-27/28, (+99890) 325-15-52,
(+99890) 919-15-52, факс: (+99871) 242-00-26.
E-mail: nl@uztow.com

550R/389

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 454. 92 213 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5